ПОДАНИ ТЎЛДИРИШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БУЗОҚЛАРНИ ЙЎНАЛТИРИЛГАН УСУЛДА БОҚИШ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ТАЪСИРИ

Акмалхонов Талат Шавкатович
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат аграр университети-100140, Ўзбекистон.

https://doi.org/10.5281/zenodo.10871328

Аннотация. *Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида урчитилаётган Симментал зотига мансуб бузоқларни ўсиш ойлари бўйича ўзгаришини таҳлили бузоқларда туғилганда ўртача вазн 32.8 кг, 6 ойликда бузоқларнинг тирик вазни тегишли равишда 144.3 кг, 12 ойлигида 261.1 кг ташкил қилган.*

Хўжаликда бузоқларни 6 ойда ўсишига сарфланган озуқа бирлиги 487,1 ни ва 6-12 ойлигида 1236,5ни ташкил қилган. Симментал зотига мансуб бузоқларнинг тирик вазннинг ўртача кунлик ўсиши 600-650граммни ташкил қилган.

Калит сўзлари: *Симментал зоти, бузоқ, ўсиш даври, ўсиши динамикаси, рацион, тирик вазн.*

Аннотация. *Анализ изменения телят симментальской породы по месяцам роста, проведенный в хозяйстве ООО «Узнаслэлита», показал, что средняя масса телят при рождении составила 32,8 кг, живая масса телят в 6 месяцев – 144,3 кг, в 12 месяцев – 261,1 кг. кг. В хозяйстве использованная кормовая единица на рост телят в 6 месяцев составила 487,и эа 6-12 месяцев - 1236,5.*

Ключевые слова: *Симментальская порода, конституция, экстерьер, удой, корова, рацион, живая масса, лактация.*

Среднесуточный привес телят симментальской породы составлял 600-650 граммов.

Abstract. *An analysis of changes in Simmental breed calves by months of growth, carried out on the farm of Uznaslelita, showed that the average weight of calves at birth was 32.8 kg, the live weight of calves at 6 months was 144.3 kg, at 12 months it was 261.1 kg. kg. On the farm, the feed unit used for the growth of calves at 6 months was 487, and for calves at 6-12 months - 1236.5.*

The average daily weight gain of Simmental calves was 600-650 grams.

Keywords: *Simmental breed, constitution, exterior, milk yield, cow, diet, live weight, lactation.*

КИРИШ

Пода тўлдирувчи бузоқларни интенсив ўстиришда тирик вазн асосий мезон хисобланади. Тирик вазнга қараб бузоқнинг ривожланиши ва унинг махсулдорлик имкониятлари тўғрисида фикр юритилади. Молларнинг тирик вазни ошишига озиқлантириш даражаси алохида таъсир кўрсатади. Озиқлантириш даражасининг қорамол бузоғига, унинг аъзолари ва тўқималари ўсишига, организмда кечадиган модда алмашинувига жуда катта ва хар томонлама таъсирини хисобга олган кўпгина тадқиқотчилар бу масалаларга кўп йиллар давомида қизиқиб келмоқдалар. Ш.А.Акмалхонов [3], У.Н.Носиров [5]. Келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни боқишни жадаллаштириш подани тиклашини исботлайди. Аммо бу тадбирларни амалиётга тадбиқ қилиш, бизнинг

фикримизга муҳокама қилинаётган муаммонинг бир қатор қирраларини илмий асослари тўла ишланмаганлигидан кенг қўлланилмаяпти

Шуни инобатга холда хозирги даврда хориждан келтирилган юқори махсулдор сигирларни подасини яратишда, пода тўлдирувчи бузоқларни ўсиш ва ривожланишига шунингдек парваришлаш ва озиқлантириш каби масалаларни хал қилиш долзарб хисобланади.

Тадқиқотлар ўтказиш манбаи ва услуби:

Подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни йўналтирилган усулда боқишда ўсиш ва ривожлантиришни таҳлил қилиш ишлари Тошкент вилояти Қибрай тумани «Ўзнаслэлита” МЧЖ » хўжалигида ўтказилди. Хўжаликда асосан, Австриядан келтирилган симментал зотига мансуб сигирлар авлодлари урчитилади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1.Хўжаликдаги бузоқларни сақлаш ва озиқлантириш технолоияси таҳлил қилиш.

2.Бузоқларни ўсиши ва ривожланишини аниқлаш.

3.Озуқа сафини ҳисобга олиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун биз хўжалик шароитларидан келиб чиқиб, қуйидаги услублардан фойдаландик.

Бузоқларни вазнининг ўсишини ҳар ойда бир марта озиқлантириш суғоришгача тортиш усули билан ўрганиб борилади. (9-бошдан).

Тирик вазнининг мутлоқ ўсишини В.И. Фёдоров (1973) формуласи бўйича аниқладик:

A= Wt –Wo / t 1 –t 0 бунда,

Wo – дастлабги тирик вазни, кг

Wt – охирги тирик вазни, кг

t 0 – молнинг ўсиш даври бошидаги ёши (кун)

t 1 – молнинг ўсиш даври охиридаги ёши (кун)

Бузоқлар нисбий ўсишини ўсиш ёшлари даврлари бўйича С. Броди формуласи бўйича аниқланади:

К = Wt –Wo / 0,5 (Wt –Wo) x 100 бунда,

К- ўсишнинг нисбий тезлиги

Wo – ўсиш даври бошидаги тирик вазни, кг

Wt – ўсиш даври охиридаги тирик вазни, кг

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар Е.К. Меркурьева (1970) услубида қайта ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижалари муҳокамаси.

Илмий тадқиқотларнинг мақсади Тошкент вилояти Қибрай тумани «Ўзнаслэлита” МЧЖ » хўжалигида урчитилаётган симментал зотига подани тўлдиришга мўлжалланган бузоқларни йўналтирилган усулда боқиш ўсиш ва ривожлантиришга таъсири белгиларини ўрганиб тахлил қилишдан иборатдир.

Озиқлантириш белгиланган кунлик ўсишини таъминлайдиган миқдорда меъёр ва рацион асосида амалга оширилади. Акмалхонов Ш.А. Аширов М.Э[2].

Хўжаликда озуқа сарфини ёш даврлари бўйича ҳисобга олиб боришади. Назорат озиқлантириш икки кун қаторасига оширилиб, бунда берилган ва ейилмай қолинган озуқа

қолдиғи ҳисобга олинади. Ҳамда шунга қараб, озуқаларнинг ейилмаганлигини ва озуқа сарфини қоплаш хусусиятлари ўрганилади.

Хўжаликдаги бузоқларни ўсиш даврлари бўйича сарфланган озуқалар миқдори қуйидагича бўлган (1- жадвал).

Жадвал- 1

Ўсиш даврлари бўйича бузоқларнинг ўсишига сарфланган озуқаларни ҳақиқий миқдори (1 бошга кг ҳисобида)

Озуқалар турлари	Ўсиш даврлари (ойлар)	
	0-6	6-12
Қаймоқли сут	300	-
Беда пичани	250	720
Маккажўхори силоси	560	2700
Омухта ем	215	395
Ош тузи	54	108
Озуқа бирлиги	487,1	1236,5

«Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида бузоқларни 6 ойда ўсишига сарфланган озуқа бирлиги 487,1 ни ва 6-12 ойлигида 1236,5ни ташкил қилган.

Кейинги йилларда бузоқларни боқишда биринчи ой рацион тўйимлигини 70%, 2 ойда 130% қилиб озиқлантириш усули (Н.И.Клейменовнинг, 1989)1 айтишича, бузоқларнинг ўсиш за ривожланишига ҳамда озуқани ҳазм булишига ижобий таъсир этган.

Англия, АҚШ, Канада сингари чорвачилик юқори савияда ривожланган мамлакатларда бузоқларни биринчи 3 ойлигида кунига 450-500 г. семиртириш кўзда тутилади. Ундан сўнг эса ўсимлик маҳсулотлари билан жадал боқилади. Носиров У.Н. [3].

Маълум вақт мобайнида озуқанинг танқислигидан ўсишдан қолишни, келгусида мўл-кўл рационлар билан бокиш эвазига жадал ўстириб ўрнини тўлдиришга ўсишни компенсация қилдириш дейилади. Узоқроқ вақт мобайнида ва кўп миқдордаги ўсишдан орқада қолишни тўлиқ компенсация қилиб бўлмайди. Ш.А.Акмалхонов[2], Р.Х Хамракулов, К.К. Карибаев [4].

Хўжаликда бузоқларни 6 ойгача бўлган даврда озиқлантиришнинг схемаси қуйидаги 2 жадвалда келтирилган.

Жадвал- 2

Бузоқларни 6 ойгача молхонада бўлган даврида озиқлантиришининг схемаси

Ёши		Тирик вазни давр охирида кг	Суткасига бериладиган, кг							Қўшимча минераллар (г)	
			сут		Пичан	Силос	Илдиз мевалилар	Концентратлар		Ош тузи	преципитат
ой	10 кунлик		Соф сут	Ёғсиз				Сули ёрмаси	Омухта ем		
	1-нчи		5	-	-	-	-	-	-	-	-
I	2-нчи	44	5	-	ўрга		ўргати	0,1	-	5	5

					тиш		ш				
	3-нчи		5	-	-	-	-	0,3	-	5	5
1-нчи ойда			130	-			0,2	4	-	100	100
			3	3	0,2	-	0,3	-	0,5	10	10
II	4-нчи		-	6	0,3	Ўрг ати ш	0,5	-	0,9	10	10
	5-нчи		-	6	0,5	-	10,0	-	1,0	10	10
	6-нчи		30	1 5 0	10,0	-	0,5	-	24,0	300	300
2-нчи ойда			-	3	0,7	0,5	1,0	-	1,3	10	10
III	7-нчи		-	2	1,0	1,0	1,5	-	1,4	10	15
	8-нчи		-	-	1,3	1,5	30,0	-	1,6	10	15
	9-нчи		-	5 0	30,0	30	1,5	-	43,0	300	400
3-нчи ойда	10-нчи		-	-	1,5	2	1,5	-	1,6	15	15
IV	11-нчи		-	-	1,5	2	1,5	-	1,5	15	15
	12-нчи		-	-	1,5	3	45,0	-	1,5	15	15
			-	-	45,0	70	1,5	-	46,0	450	450
1- нчи ойда	13-нчи		-	-	2,0	3	1,5	-	1,3	15	15
	14-нчи		-	-	2,5	4	1,5	-	1,1	15	15
	15-нчи		-	-	3	5	45	-	0,8	15	15
			-	-	75	120	1	-	32,0	450	450
5-нчи ойда	16-нчи		-	-	3	5	1	-	0,8	20	15
	17-нчи		-	--	3,5	6	1	-	0,7	20	15
	18-нчи		-	-	3,5	7	30	-	0,6	20	15
			-	-	100	180	30	-	21,0	600	450
6-нчи ойда				-	260	400	160	4	166	2200	2150

Парваришланишни моллар шаклланишига таъсирини ўрганиш мақсадида, биз бузоқларни ўсиш даврлари бўйича ўсиб ривожланишини таҳлил қилиш мақсадида, биз «Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида урчитилаётган симментал зотига мансуб бузоқларнинг ўсишини ўргандик. Бунинг учун 9 бош бузоқ танлаб олдик.

Бузоқларнинг ойларга қараб тирик вазни уларнинг қуйидаги 3 жадвалда келтирилган.

Жадвал -3

Гурухдаги бузоқларни тирик вазни ойлар бўйича ўсиши динамикаси

Ёши, ойи	Симментал зоти(п-3)	
	Тирик вазни	Мутлоқ ўсиши
Туғилганда	32.8	-
1-ойлигида	50.7	17.9
2-ойлигида	69.4	18.7
3-ойлигида	88.6	19.2

4-ойлигида	106.4	17.8
5-ойлигида	125.3	18.9
6-ойлигида	144.3	19.0
7-ойлигида	163.8	19.5
8-ойлигида	183.7	19.9
9-ойлигида	204.3	20.6
10-ойлигида	225.0	20.7
11-ойлигида	243.0	18,0
12-ойлигида	261.1	18,1

3-Жадвал маълумотларига кўра «Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида урчитилаётган симментал зотига мансуб бузоқларни ойлар бўйича тирик вазни юқори даражада бўлган. Тирик вазннинг ўсиши 2 чи ва 8-9-10 чи ойлардада юқори бўлган. Бузоқларнинг ўсиши ва ривожланишини аниқ ўрганиш мақсадида биз гурухда ўсиш даврларга бўлиб таҳлил қилдик. (4 жадвал).

Жадвал-4

Гурухда бузоқларнинг даврлар бўйича ўсиш динамикаси

Ўсиш даврлари ойлар	Симментал зоти (п-9)			
	Тирик вазни кг	Мутлоқ ўсиши кг	Ўртача кунлик ўсиши гр	Нисбий ўсиши %
0-3	88.6±0.21	55.8±0.20	620.0	170.1
4-6	144.3±0.22	55.7±0.21	618.8	248.4
7-9	204. ±0.20	59.7±0.22	663.3	522.8
10-12	261.1±0.23	56.8±0.22	631.1	696.0

Гурухлардаги бузоқларнинг даврлар бўйича ўсиши таҳлили шуни кўрсатадики 0-3 ойларда бузоқларнинг мутлоқ ўсиши, ўртача кунлик, нисбий ўсиш кўрсатгичлари Симментал зотига зотли бузоқларда тегишли равишда юқори бўлган, 3-4 кг, 20-40 гр, 10-20 % фарқ бўлган. Хўжаликда ўстирилган бузоқларнинг ўсиш даражалари талаб даражасида бўлган. Бунинг асосий сабаби хайвонларни озиқлантирилиш меъёрий даражада бўлган.

Бузоқлар сут ичиш даври якунлангандан сўнг уларни кундалик ўсиши пасайиб боради. Тегишли равишда кейинчалик бу кўрсатгич бошқа ойларга таъсирланади.

Хўжаликда бузоқларни ўсиши учун озуқа сарфи.

Бузоқларни ёшлигидан бошлаб олдиндан мўлжалланган мақсадни кўзлаб озиқлантириш билан уларнинг экстерьер ва конституция турларини ҳамда маҳсулдорлик кўрсатгичларига таъсир этади. . Хамроқулов Р.Х[4].

Озиқлантириш меъёри юқори, сифатли бўлса, бузоқларнинг ўсиши ва ривожэланиши ҳам юқори бўлади. Бунинг учун 1 кг тирик вазнни ўсишига кетган озуқа сарфи ҳисобланади.

Биз хўжаликда бузоқларнинг ўсишига сарф бўлган озуқа миқдорини таҳлил қилдик. Бу маълумотлар қуйидаги 5- жадвалда келтирилган.

Жадвал -5

Даврлар бўйича бузоқларнинг1 кг тирик вазни озуқа бирлиги сарфи 1 кг

Ўсиш даври ойлар	Олинган қўшимча вазн кг	Озуқа бирлиги
0-6	111.5	4,81
7-12	116.5	6.57

Хўжаликда бузоқларни ўсиши учун жами 1723,6 озуқа бирлиги сарф бўлган. Таҳлил қилган бузоқларни ўсишига таъсир бўлган озуқа 6-12 ойлигида меъёрида даржасида бўлган.

Тажриба натижалари асосида қуйдаги хулосага келинди.

1. «Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида урчитилаётган Симментал зотига зотига мансуб бузоқларни парваришлаш, озиқлантириш зоотехникавий тадбирлар асосида олиб борилади.

2 «Ўзнаслэлита» МЧЖ хўжалигида урчитилаётган Симментал зотига мансуб бузоқларни ўсиш ойлари бўйича ўзгаришини таҳлили бузоқларда туғилганда ўртача вазн 32.8 кг, 6 ойликда бузоқларнинг тирик вазни тегишли равишда 144.3 кг, 12 ойлигида 261.1 кг ташкил қилган.

3. Симментал зотига мансуб бузоқларнинг тирик вазннинг ўртача кунлик ўсиши 600-650граммни ташкил қилган.

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича бузоқлар йўналтирилган холда жадал боқиш, уларни ёшлигида анча юқори вазнга эга бўлишини таъминлаш керак. Бузоқларни тўла озиқлантириш уларни жадал ўстиришига ижобий таъсир этади.

REFERENCES

1. Акмальханов Ш.А. «Биолигические и зоотехнические основы ведения молочного скотоводства в Узбекистане. Ташкент 1993 год.
2. Акмалхонов Ш.А. Аширов М.Э. «Бузоқ ва ғунажинларни ўстириш технологияси». Тошкент. 1986 й.
3. Носиров У.Н. «Қорамолчилик». Тошкент. 2000 й.
4. Хамроқулов Р.Х. «Қишлоқ хўжалик хайвонларини озиқлантириш». Т. 1999 й.